



## КОРПОРАТИВ КОРХОНАЛАРДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

**Махатов Джанибек Бегмахаматович**

*Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби*

*Тингловчиси*

Корпоратив корхоналарда инновациялами бошқаришни такомиллаштириш бугунги кунинг долзарб муаммолардан “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсақ, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”<sup>263</sup> деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Инновацион ривожлантириш стратегияси юқори самарали иш жойлари яратилишига ҳам йўналтирилган бўлиб, мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан муносиб бандлигини таъминлаши ҳам шубҳасизdir. Корпоратив корхоналарда инновацияларни бошқаришни такомиллаштириш бугунги кунинг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида ПФ-60 сонли фармонига мувофиқ, Иқтисодиётни реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларини автоматлаштириш бўйича манзилли дастурни тасдиқлаш,, молиявий-иктисодий фаолияти самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарувни оптималлаштириш мақсадида ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш (ERP) тизимлари ўтиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади<sup>264</sup>. Замонавий иқтисодиётда корпоратив тузилмаларда инновацияларни жорий қилиш бугунги кунинг долзарб эканлигини кўрсатади. Иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш орқали корхоналарни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳисобига юқори самарадор иш жойларини яратиш, фаол инновацион тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилишнинг самарали шаклларини ривожлантириш ҳам бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Шунинг учун давлатимиз раҳбари: “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсақ, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак” деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда 2021-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион

<sup>263</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 23 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

<sup>264</sup> 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида ПФ-60 сонли фармони.



ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ушбу Стратегиянинг бош мақсади - мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш деб белгиланди. Бунинг учун, энг аввало, барча даражада таълим сифати ва қамрови оширилиб, узлуксиз таълим тизими ривожлантирилади ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлиги таъминланади. Замонавий ривожланиш кишилик жамияти олдида бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқдаки, улардан иқтисодий тизимни янги "саноат инқилоби 4.0" деб номланган технологик инқилоб келтириб чиқарадиган, иқтисодий маконни рақамлаштириш жараёнида шаклланган янги шароитларга мослаштириш ҳал қилувчи омиллардан бири сифатида юзага кўтарилди.

Бундай ўзгаришлар инсоният ҳаётида туб ўзгаришларни келтириб чиқаради, уларнинг асосини миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларида, энг кенг доирадаги технологик ютуқлар натижасида юзага келадиган туб ўзгаришлар ҳисобланади. Иқтисодиётни рақамлаштириш бу ҳодисанинг асосий таркибий қисмларидан биридир<sup>265</sup>.

Ривожланаётган мамлакатларда рақамили иқтисодиёт улуши ҳар йили 15-25 фоизга ўсиб боришини таъкидлаш лозим<sup>266</sup>, шунинг учун иқтисодий тизимларни рақамлаштириш жараёнларига мослаштириш бўйича мақбул чораларни излаш илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

"Рақамли иқтисодиёт" атамасининг замонавий тушунчаси 1995 йилда америкалик олим Н. Негропонте<sup>267</sup> тадқиқотлари туфайли илмий муомалага кирди, у биринчи навбатда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ривожланиши билан боғланди. Ушбу нуқтаи назар АКТнинг жамият иқтисодий ҳаётини рақамлаштиришга таъсирининг умумий тушунчасини акс эттиради ва технологик омилни ўрганилаётган ҳодисанинг кўринишини белгилайдиган асосий ҳал қилувчи омил сифатида тавсифлайди.

Кўриб чиқилаётган атаманинг янада кенг тарқалишини Канадалик тадқиқотчи Д. Тампскотт<sup>268</sup> асарларида кузатиш мумкин, у одамларнинг иқтисодий ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни «рақамли жамият» атамаси нуқтаи назаридан тавсифлаган. Шунингдек, Н. Лейн<sup>269</sup> "рақамли иқтисодиёт" ни савдо-сотиқни ташкил этишда ушбу ўзгаришларни келтириб чиқарадиган ва

<sup>265</sup> Электронно-цифровое общество: плюсы и минусы эпохи сетевого интеллекта / Дон Тапскотт; пер. с англ. И. Дубинского; под ред. С. Писарева. М.: Рефл-бук, 1999. 403 с.

<sup>266</sup> Бухт Р., Хикс Р. Определение, концепция и измерение цифровой экономики // Вестник международных организаций. 2018, Т. 13. № 2. С. 143-172.

<sup>267</sup> Negroponte N. Being Digital. N. Y.: Knopf, 1995. P.243.

<sup>268</sup> Электронно-цифровое общество: плюсы и минусы эпохи сетевого интеллекта / Дон Тапскотт; пер. с англ. И. Дубинского; под ред. С. Писарева. М.: Рефл-бук, 1999. 403 с.

<sup>269</sup> Lane N. Advancing the digital economy into the 21st century // Information Systems Frontiers. 1999. Vol. 1, No. 3. P. 317-320.



унинг электрон компонентининг ривожланишига ҳисса қўшадиган тизим сифатида кўриб чиқади.

Худди шу даврда Л. Маржерио<sup>270</sup> ўрганилаётган ҳодисанинг таркибий қисмларига аниқлик киритди (Интернетнинг кенгайиши; товарларни рақамли етказиб бериш; электрон тижорат; жисмоний товарларнинг чакана савдоси). Шунингдек, рақамли иқтисодиётнинг тузилиши Р. Клинг ва Р. Ламб томонидан таҳлил қилинган бўлиб, улар элементар таркиб орасида қуидаги қисмларни аниқладилар: аралаш рақамли маҳсулотлар; рақамли технологиялар орқали етказиб бериладиган маҳсулотлар; АТ-саноат<sup>271</sup>. Таркибий элементларга нисбатан бу қарашлар қарама-қарши бўлмай, фақат муаллифлар тадқиқотда турли мезон белгиларидан фойдаланганликларини билдиради. Ушбу ҳолат "рақамли иқтисодиёт" атамасининг кўп ўлчовлилигини кўрсатади.

Е. Бринолфсон ва Б. Каҳин<sup>272</sup> рақамли иқтисодиётни бошқа томондан кўриб чиқиб, уни иқтисодий ўсишга ҳисса қўшадиган ҳаракатлантирувчи куч сифатида таърифлайдилар. Ушбу ёндашув омил омилини ҳам кўрсатади, аммо таъсир ўзаро таъсир қиласи. Д. Тампскотт, Н. Лейн, Р. Клинг ва Р. Ламбнинг қарашлари АКТнинг рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига таъсирига қаратилган бўлиб, Е. Бринолфсон ва Б. Каҳин томонидан олиб борилган тадқиқотларида уни иқтисодий ўсишга ҳисса қўшадиган омил деб олиб чиқилади. Рақамли иқтисодиётнинг таркибий таркибий қисмини ўрганаётганда, унинг элементларини Т. Месенбург<sup>273</sup> ажратиб кўрсатилиб, уни учта таркибий қисмга ажратади: электрон бизнес инфратузилмаси, электрон бизнес ва электрон тижорат.

Рақамли технологияларни ривожлантириш кўлами ва уларни жамиятнинг иқтисодий ҳаётига татбиқ этиш тӯғрисида McKinsey Глобал институти олимлари ҳам рақамлаштиришга олиб келадиган ўзгаришларнинг туб моҳияти ва аҳамиятига ишора қиласидар<sup>274</sup>. Саноат инқилоби 4.0 томонидан вужудга келган ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниш, гарчи у энг умумлаштирилган хусусиятга эга бўлса-да, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда содир бўлаётган ўзгаришлар кўлами хусусиятини белгилашга имкон беради. "Рақамли иқтисодиёт" атамасининг энг умумий таърифини россиялик олимлар Е. А. Устюжанина, А. В. Сигарев ва Р. А. Шеиннинг<sup>275</sup> муаллифлик талқинида кўриш мумкин. Рақамли иқтисодиёт "бу деярли барча ривожланган ва ривожланаётган

<sup>270</sup> The Emerging Digital Economy / L. Margherio [et al.]. Washington, DC: Department of Commerce, 1999.

<sup>271</sup> Kling R. IT and Organizational Change in Digital Economies: a SocioTechnical Approach // ACM SIGCAS Computers and Society. 1999. Vol. 29, no. 3. P. 17-25.

<sup>272</sup> Brynjolfsson E., Kahn B. Introduction. Understanding the Digital Economy. Cambridge: MIT Press, 2000. P. 1-10.

<sup>273</sup> Mesenbourg T. L. Measuring the Digital Economy. U.S. Bureau of the Census. URL: <http://www.census.gov/content/dam/Census/library/working-papers/2001/econ/digitalecon.pdf>.

<sup>274</sup> Boden M., Cagnin C., Carabias V., Haegeman K. Facing the future: time for the EU to meet global challenges // European Commission Joint Research Centre Institute for Prospective Technological Studies European Union, 2010. P. 44.

<sup>275</sup> Устюжанина Е. В., Сигарев А. В., Шеин Р. А. Цифровая экономика как новая парадигма экономического развития // Экономический анализ теория и практика. 2017. Т. 16, № 12. С. 2238-2253.



мамлакатлар иқтисодиётига у ёки бу даражада таъсир қўрсатадиган объектив шартли жараён". Жамият тараққиёти иқтисодий тизимларнинг нафақат макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражада, балки глобал миқёсда ривожланиш жараёнини белгилаб берди.

Ушбу ҳолат аксарият жаҳон кучларининг иқтисодий сиёсати доирасида амалга оширилган турли стратегик давлат дастурларини яратишга асос бўлди. Куйидаги дастурларни мисол сифатида келтириш мумкин: Рақамли Иқтисодиёт (АҚШ), Интернет Иқтисодиёт (Хитой), Индустре 4.0 (Германия), Рақамли Иқтисодиёт (Россия)<sup>276</sup> ва бошқалар.

Рақамли иқтисодиёт атамасини ўрганишга ягона ёндошув мавжуд эмас.

Рақамли иқтисодиётни қуи тизим, тизимли иқтисодиётнинг ишлаши ва ривожланишининг электрон механизми сифатида кўриб чиқиш мумкин<sup>277</sup>, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларига асосланган такрор ишлаб чиқариш жараёни доирасида иқтисодий муносабатларни акс эттирувчи моделни ифодалайди. Рақамли иқтисодиётни қуи тизим сифатида намойиш этишнинг юқоридаги концепциясини тўлдириб, таҳлил қилинган бизнеснинг модели доирасида ишлайдиган компаниялар томонидан намойиш этиладиган иқтисодиётнинг бир қисмини кўриб чиққан Р.Бух ва Р.Хикснинг<sup>278</sup> рақамли маҳсулотлар ёки хизматларга асосланган фикрларини келтириш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, бундай товарларни ишлаб чиқариш жараёнининг ўзи рақамли технологиялар билан боғлиқ. Ушбу ёндашувда рақамлаштириш жараёнларини таҳлил қилиш ва уларнинг бошқарувнинг микроиқтисодий даражасига таъсири ҳақида гап кетади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги "2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" ги ПФ-60-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 12-майдаги "2020 — 2025-йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида" ги ПФ-5992-сонли Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2010-йил 19-ноябрдаги "Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат қўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисида" ги 2155-сонли Низоми.

<sup>276</sup> Ўша жойда

<sup>277</sup> Косолапова М. В., Свободин В. А. Методологические вопросы системно-цифровой экономики: взаимосвязь системной и цифровой экономик // Мягкие измерения и вычисления. 2019. № 6. С.13-19.

<sup>278</sup> Бухт Р., Хикс Р. Определение, концепция и измерение цифровой экономики // Вестник международных организаций. 2018, Т. 13. № 2. С. 143-172.



12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 23-мартдаги “Банк хизматлари оммаболлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 3-июлда “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли Қарори.

14. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: Ўзбекистон, 2021. — 464 б.

15. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. Т.: Ўзбекистон, 2017. — 104 б.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // [хттпс://пресидент.уз/уз](http://пресидент.уз/уз)

17. Азизов У.Ў, Қоралиев Т.М. ва бошқалар. Банк иши. Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2016. – 640 б.

18. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Т.:“Иқтисод-Молия ” нашриёти, 2017. 768 б. Дуглас Х. Банковская